

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун



# ЖАМИЯТ

№ 48 (725)  
2020 йил  
4 декабрь,  
Жума

Ижтимоий-сиёсий газета



2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган



www.bong.uz



jamiyatgzt@mail.ru

## Нега кўрқинчим керак?

*Сўз эркинлиги таъминланган-ку!*

## Янги Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислоҳотлари



## Иқтидорлар топади камол



## Бўларкан-ку, отдан туя яса...



## Фаровонлик маҳалладан бошланади



## «ЖАМИЯТ»ГА ОБУНА БЎЛИНГ – ЖАМИЯТ БИЛАН БИРГА БЎЛИНГ!

## Обуна индекси - 131

«Жамият» газетасига обуна давом этмоқда. Обуна «Ўзбекистон почтаси» АЖ ва «Матбуот тарқатувчи» АКнинг барча бўлимларида, шунингдек, обуна уюштирувчи хусусий ташкилотлар томонидан қабул қилинади.



**Тўғридан-тўғри ўзимиздан обуна бўлиш унданда қулай!**

**КИСКА САТРАЛДАРДА ЎҚИНГ!**

2020 йил 1 декабрдан раҳбарларга «Шахсий намуна» тамойили асосида ҳафтада камида бир марта ишга хизмат автомобилсиз келиб-кетиши тавсия этилди.

Конституция – давлатнинг Асосий Қонуни. У давлат тузилишини, ҳокимият ва бошқарув органлари тизимини, уларнинг ваколати ҳамда шакллантирилиш тартиби, сайлов тизими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва шахснинг ўзаро муносабатларини белгилаб беради.

# Нега қўрқшим керак?

**Сўз эркинлиги таъминланган-ку!**

Талабаликнинг илк йиладёқ соҳамиз журналистика бўлгани учунми, назарий билimler билан бирга, амалий дарслар ҳам бошланиб кетди. Устозларимиз эса мақолалар ёзиб, ижодий салоҳиятимизни бой-тиб боришимиз кераклигини таъкидлашарди.

тажрибага эга эмаслигим сабабли ёза олмаяпман, деган хулосага келдим ва бирор газетда амалиёт ўташга қарор қилдим. Дастлаб, амалиёт давомида ёзилган материаллар билан танишиб чиқиб, кўникма ҳосил қилдим. Шу тариқа аста-секин мақолалар ёза бошладим. Бир кун амалиёт устозим, сиёсий мавзуга танқидий ёндашиб мақола ёзишимни тайинлади. Бироқ бу мавзуда ёзганларим қанча уринсам ҳам, кўнгилдагидек чиқмасди. Кейин билсам, бунга сабаб ўз фикрларимни очик-ойдин (танқид қилиб ёзсам бирор муаммо бўлмасмикин деб хавотирланиб) ёрита олганимда экан.

Аслини олганда мавзу чиндан ҳам танқид қилишга арзирли... Ўша пайт журналист, шоир ва таржимон Карим Бахриев: “Яхшилик мақтовга муҳтож эмас, аммо ёмонлик қораланиши керак”, деганидек, ўзимга ўзим “нега қўрқшим керак, ахир, сўз эркин-

лиги барча меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб қўйилган-ку. Ёзганларим аниқ асосли бўлса, ҳеч қандай муаммо чиқмайди. Хусусан, Конституциямизнинг 29-моддасида ҳам сўз эркинлиги ҳақида қайд этилган бўлса...”, дея хаёлимни эгаллаб олган қўрқувни “ҳайладим” ва хотиржам ёзишда давом этдим. Ишимни якунлагач, устозга топширган эдим, маъқул келди ва газетда ҳам чоп этилди. Шунда Конституциямизнинг моҳиятини, ҳуқуқий саводхонликни ошириш муҳимлигини англаб етдим.

Юқорида оддийгина бир мисол келтириб ўтдик. Аслини олганда ҳуқуқ ва мажбуриятларимизни билмаслигимиз ёки била туриб ҳам амал қилмаслигимиз, англаб етмаслигимиз муаммолар гирдобига тушиб қолишимизга сабаб бўлади. Бундан хулоса шуки, Конституцияни тўлиқ ёд олсак-да, аммо уни амалга татиб қила олмаслигимиз, худдики, онгсиз тўтига қуруқ сўзни ёдлатиб қўйганимиздек гап.

**Комила ЁДГОРОВА,**  
**“Жамият” маҳорат мактаби тингловчиси**

Тарихга назар ташласак, “Конституция” атамаси қадимги Римдаёқ “Император Конституцияси” деб аталган қонунлар жамланмаси бўлган. Шунингдек, Амир Темурнинг “Темур тузуклари”, Шарқ ва Осиё мамлакатлари цивилизациясига хос алоҳида шаклдаги конституциявий ҳужжат хусусиятига эга бўлган. У шариат қонунлари билан бир қаторда Марказий Осиё минтақаси халқлари тақдирига кучли таъсир ўтказган.

Қизиқарли маълумотлардан бири, ҳозирги кунда Ҳиндистон Конституцияси дунёдаги энг катта ва мукамал ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Мазкур конституция ҳамма ҳам тушуна олиши қийин бўлган тилдаги 395 модда, 12 та илова ва 500 та тузатишлардан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳам potsвет минтақасида биринчи қабул

қилинган. Унинг матни 7543 та сўздан таркиб топган. Бунда “республика” сўзи — 390, Ўзбекистон — 354, қонун — 210, давлат — 98, ҳуқуқ — 90, конституция — 70, фуқаро — 66, Президент — 62, Қорақалпоғистон — 33, шахс — 32, эркин (лик) — 27, халқ — 24, демократия — 7 марта қўлланган. Келтириб ўтилганлар конституциямиз ҳақидаги ҳамма ҳам эътибор беравермайдиган оддийгина қизиқарли маълумотлар ҳолос. “Қуруқ қошиқ оғзини йиртар” деганларидек, Бош Қомусимизнинг моҳиятини қуруқ гап билан эмас, ҳаётий бир воқелик билан англашга ҳаракат қилсак:



Гуруҳдошларим бирин-кетин мақолалар чиқара бошладим.

Борган сари уларга бўлган ҳавасим ортар, аммо ижод қилишим учун нимадир тўсқинлик қиларди. Аввалига етарли

# Иқтидорлар топади камол

**Ҳозирда Президентимиз раҳнамолигида таълимга катта эътибор берилётгани, айниқса, мактаб таълимига жиддий ёндашилётгани ҳар биримизда бурч ва масъулият ҳиссини кундан-кунга ортираётгани аини ҳақиқат. Етмиш йиллик тарихга эга бўлган мактабимиз муболағасиз мустақиллик йилларида янгича қиёфа касб этгани, янгича таълим муҳитига айлангани бор гап. Тошкент вилоятининг энг чекка худудларидан бирида жойлашган ўқув масканимиз эл эътиборига тушаётгани бизни мамнун этади.**



кали ўқитувчи сабоқ бермоқда. Ушбу ўқув йилида битирувчиларимизнинг 45 фоизи олий таълим муассасалари талабаси бўлди. Бу, албатта, бизга фахр ва ифтихор бағишлайди.

Мактабимизда ўқувчи-ёшларнинг қобилиятини ўстиришга, интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга ва аини дамда иқтидорли болалар билан кўпроқ ишлашга аҳамият қаратганмиз. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, ҳозирда мактабимизда 20 га яқин фан тўғарақларининг мунтазам фаолият юритаётганлиги бизга катта умид бағишляпти. Мактабимизнинг 1-5 синфларида ментал арифметика тўғараги, 7-11 синфларда математика ва биология фани бўйича репетиторлик курсининг очилгани аини муддао. Бу эса ўқувчи ва ота-оналарнинг узогини яқин қилмоқда.

Айни бир пайтда Баркамол авлод мактаби тасарруфидаги тикиш-бичиш, тўқувчилик, ёш доирачилар тўғарақларининг фаол иш олиб бораётгани кўпчиликни хушнуд эт-

моқда. Бу борада мактаб жамоаси билан Баркамол авлод мактаби мутахассисларининг яқин ҳамкорлиги жуда қўл келаяпти.

Ўқитувчи-мураббийларимизнинг сай-ҳаракатлари, ташаббуслари билан иқтидорли ўқувчиларимизга алоҳида эътибор қаратилляпти. Бу нарса фан олимпиадаларида, билимлар беллашувида ўз аксини топмоқда. Чунончи, инглиз тили фани бўйича мактабимиз ўқувчиси Дурдона Худойбергвановнинг туман босиқичи голибига айланишида устозлари Соҳиба Норжигитова, Фарҳод Эргашев ва Севара Юнусовларнинг ҳиссаси катта. Тарих фанидан Сарвиноз Рўзибоеваннинг туман босиқичида голиблар сафидан ўрин эгаллашда устози Моҳира Жумабоеваннинг сай-ҳаракатларини

лангич таълимга муносиб пойдевор қўяётган Жумагул Бекбоева, Лола Назарова ва Дилдора Абдуразоқоваларнинг янгича изланишлари ҳам яхши самара келтиряпти. Айна уларнинг сай-ҳаракатлари билан ўқувчиларнинг мустақил, мантиқий фикрлашига кенг йўл очилляпти.

Ўқувчиларимиз ўз иқтидорлари билан туман ва вилоят босиқчиларидаги кўрик-танловларда фаол иштирок этаётганлиги бизни қувонтиряпти. Жумладан, 10-синф ўқувчиси Маъмура Сотиболдиева “Мен севган алиб” мавзусида ўтказилган иншолар танловида қатнашиб, Республика босиқчида иштирок этди. Шунингдек, Рўзигул Шомалиева “Гиёвандликка қарши кураш” иншолар кўрик-танловида биринчи ўрин соҳибасига айланди. “Энг яхши китобхон” кўрик-танловида фаол иштирок этган ўқувчиларимиздан, Севинч Саримкулова ва Умиджон Эркабоев туман ҳокимлиги томонидан муносиб тақдирланишди. Аини пайтда Севинч “Конституция – бахтимиз пойдевори” иншолар танловида ҳам туман босиқчи голиби бўлди.

Мактабимизда “Янги Ўзбекистон – янгича дунёқараш” мавзусидаги тарғибот-ташвиқот ишлари яхши йўлга қўйилган. Аиниқса, яқинда мактабимизда Тошкент Давлат Аграр университетининг бир гуруҳ мутахассислари билан ўтказилган учрашув кўпчиликда катта таассурот қолдирди. Ўйламанки, бундай мулоқот ва учрашувлар ўқувчиларимизнинг янгича дунёқарашини шакллантиришда, уларнинг иқтидорини юзага чиқаришда муҳим омил бўлиб бораверади.

**Доновон ЖУМАОБОВА,**  
**Бўка туманидаги 7-умумтаълим мактаби директори**

Айтиш мумкинки, 2006 йилда маълум даражада реконструкция қилинган мактаб биноси 2019 йилда амалга оширилган капитал таъмирлаш натижасида бутунлай янгича, замонавий қиёфа касб этди. Барча фанлар бўйича зарур жиҳозлар, инвентарлар етказиб берилди. Аини дамда мактабимизда 315 ўринли замонавий ўқув биносидан 300 нафардан зиёд ўқувчига 30 нафардан ортиқ мала-



Ушбу саҳифа Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондидининг “Жамият – ислоҳотлар ташаббускори” Давлат ижтимоий бурюртмаси асосида тайёрланди.



Умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлган бино ва иншоотларни қуришда уларнинг лойиҳа ҳужжатлари мажбурий экспертизадан ўтказилади.

# Янги Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислоҳотлари



Бугунги кунда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш чораларини кучайтириш, одил судловни самарали таъминлаш ҳамда судьялар ҳамжамияти родини ошириш бўйича қатор ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Мазкур чора-тадбирлар натижасида одил судловни таъминлаш билан биргаликда, ушбу жараёнда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг янги босқичига эришилади.

Бу ҳақда давлатимиз раҳбари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги сўзлаган нутқида мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ҳуқуқий ислоҳотлар қаторида судларнинг чинакам мустақиллиги ва қонун устуворлигини таъминлашга йўналтирилган кенг қамровли ислоҳотлар изчил амалга оширилаётганини таъкидлаб ўтди.

Фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини юксалтириш, ишларни судда кўриш сифатини ошириш ҳамда ҳолис, адолатли ва қонуний суд қарорларини қабул қилиш учун тарафларнинг тенглиги ва тортишувчанлигини амалда таъминлаш механизmlарини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга

ланган асосий мақсад инсон, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашдир. Асосий Қонунимизда белгиланишича, демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Инсонни улуглаш, унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳар томонлама камол топтириш Конституциянинг асосий ғоясида айлантирилган. Зеро, шахснинг шаъни ва қадр-қиммати, унинг ҳаёти ва соғлиги ёки шахсий эркинлиги такрорланмайдиган бойлик.

Қайд этилганлардан келиб чиқиб ҳамда жиноят ишларини тергов қилиш фаолиятини халқаро стандартлар ва илгор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда яхшилаш, қонун устуворлиги ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларини рўйбга чиқариш, жиноят-процессуал қонунчилигини янада такомиллаштириш мақсадида, жорий йилнинг 10 август кунини Ўзбекистон Республикаси Президентининг

бирларни амалга ошириш мақсадида жорий йилнинг 3 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Аҳолига кўрсатиладиган интерактив электрон хизматлар турларини кенгайтириш ва муружаатларни кўриб чиқиш жараёнининг онлайн кузатиб борилишини таъминлаш, судларнинг бошқа ташкилотлар билан электрон маълумотлар алмашинувини янада кенгайтириш, судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятига махсус ахборот дастурларини жорий этиш, суд мажлисларида масофадан туриб иштирок этиш имкониятини кенгайтириш ва бошқалар суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштиришнинг кейинги босқичдаги вазифалари этиб белгиланди.

**Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатга кўра, келгуси йилдан бошлаб судларда суд мажлислари белгиланган тартибда аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш, апелляция ва кассация инстанцияси судларида ишларни судьялар ўртасида автоматик равишда тақсимлаш, иштирокчиларни суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида “SMS” хабар орқали бепул асосда хабардор қилиш амалиёти жорий этилади.**

Шунингдек, 2022 ва 2023 йиллардан бошлаб, суд қарор-

ларини иш бўйича тарафларга онлайн тарзда тақдим этиш ва соҳага оид бўлган 10 га яқин интерактив хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилади ҳамда суд ишларини давлат архивига электрон шаклда тошириш ва қабул қилиш жорий этилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳўжалик бошқаруви органлари, адвокатлар томонидан судларга даъво, ариза ва шикоятларни фақат электрон шаклда тақдим этиш имкониятини берувчи “Адолат” ахборот тизимлари комплекси 2022 йил 1 январдан бошлаб судлар фаолиятига жорий этилади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги “Судлар тўғрисида”ги Қонунига кўра, ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга ва юридик ихтисослиги бўйича, авваламбор, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда камида беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судининг, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судининг, туман (шаҳар) маъмурий судининг, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси бўлиши мумкин.

Олий юридик маълумотга ва юридик ихтисослиги бўйича камида етти йиллик, шу жумладан, қоида тариқасида, судья сифатида камида икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Қорақалпоғистон Республикаси судининг, вилоят судининг, Тошкент шаҳар судининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг судьяси бўлиши мумкин.

Олий юридик маълумотга ва юридик ихтисослиги бўйича камида ўн йиллик, шу жумладан, қоида тариқасида, судья сифатида камида беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси бўлиши мумкин.

Судьялик лавозимига биринчи марта тайинланадиган номзодлар захирасида турган шахслар Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабида мажбурий тартибда ўқиши шарт. Ўқиш даврида улар асосий иш жойи бўйича ўртача ойлик иш ҳақи сақланмаган ҳолда меҳнат мажбуриятларини бажаришдан озод этилади, бироқ ўқишнинг бутун даврида иш жойи (лавозими) сақланади.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида ваколатли идораларга янги тахрирдаги “Судлар тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига кўриб чиқиш учун киритиш вазифаси қўйилди.

Мазкур қонун лойиҳасида бошқа устувор вазифалар каби судьялик лавозимига номзодлар ва судьяларга нисбатан қўйиладиган талабларни назарда тутиш кўрсатиб ўтилди.

Бизнингча, мазкур қонун лойиҳасига тақлиф сифатида, судьялик лавозимига номзодларнинг ёш чегарасини қайта кўриб чиқиш, бунда фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судининг, туман (шаҳар) иқтисодий судининг, туман (шаҳар) маъмурий судининг судьяси лавозимига номзодларнинг ёши 30 ёш этиб белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Инсон тақдирини билан боглиқ равишда унга нисбатан суд ҳукмлари эълон қилиш, жазо тайинлаш масъулиятини ҳисобга олган ҳолда фақатгина жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг судьяси лавозимига номзодларнинг ёши 35 ёш этиб белгиланиши ўринли.

Шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича судьялик лавозимига номзодликка асосий талаблардан бири сифатида “оилали бўлиш” талабининг ҳам киритилиши бугунги кунда ошиб бораётган оилавий ажралиш билан боглиқ ишларни кўриб чиқишда ва судьяларга алоҳида масъулият юклашида муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, қайд этилганларга кўра, суд тизимининг ихтисослашуви, судлар фаолиятининг тизимли равишда амалга оширилиши, ахборот-технологиялари судлар фаолиятига жорий этилиши, ўз навбатида, фуқароларга қулайлик яратиш билан биргаликда, тизим фаолиятида очиқликни ўрнатиб, одил судловни таъминлашда ҳамда ишларни судларда кўриш сифатини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

**Дилдора БАЗАРОВА,**  
Тошкент давлат юридик университетининг профессори  
вазифасини бажарувчиси,  
юридик фанлар номзоди

**Олий юридик маълумотга ва юридик ихтисослиги бўйича камида ўн йиллик, шу жумладан, қоида тариқасида, судья сифатида камида беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси бўлиши мумкин.**

доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Фармонга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари сақлаб қолинган ҳолда, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўришга ихтисослаштирилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳарида туманлараро маъмурий судларини ташкил этиш, шу муносабат билан туман (шаҳар) маъмурий судлари тугатиладиган бўлди.

Дарҳақиқат, янгиланаётган Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамияти барпо этиш ва инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлида амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотлардан кўз-

“Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш қафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

“Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш борасида соҳалар кесимида давлат хизматларини рақамли шаклга трансформация қилиш ва ахборот тизимларини янада ривожлантириш, ахборот технологиялари соҳасида инсон капиталини ривожлантириш, кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Қайд этилган чора-тад-

Айрим вилоятларда давлат театрлари ташкил этилади.





# MIKROKREDITBANK

Жонажон Ўзбекистонимиз,  
она халқимизга Конституциямизнинг  
28 йиллиги муборак бўлсин!  
Буюк келажак йўлида биз эришаётган  
муваффақиятлар қаддимиз ва  
кадримизни, азму-шижоатимизни  
янада юксалтираверсин!



# 28 йил



## Бўларкан-ку, отдан туя яса...

Кўпчиликка маълумки, охириги ўн кунликда ҳаво ҳарорати кескин пасайиб кетди.

Шу муносабат билан жойларда автомобилларга табиий газ қуйиш шохобчаларининг олди турнақатор навбатларга айланди.

Бора-бора бу ҳолат шу қадар тус олдики, ҳайдовчилар газга кетишдан аввал нон тишлаб йўлга чиқадиган бўлишди.

Хусусан, Наманган вилоятидаги газ қуйиш шохобчаларининг жуда кўплари мутлақо ёпилди, айримлари эса, куннинг маълум вақтида турнақатор навбатлар билан ишлашмоқда.

Сабаб: автомобиллардан иқтисод қилинган табиий газ аҳолига берилар (берилаётган) эмиш. Аммо...

Ижтимоий тармоқлар газнинг ҳиди ҳам йўқлигидан ёзғираётган аҳолининг оҳ-воҳидан ёрилган ҳолатга келётган бир пайтда бу гаплар қанчалик асосли?

У ҳолда ким рост-чи, ким



ёлғон-чи?

Бу ҳам майли. Шу кунларда автомобилларга газ қуйиш шохобчаларининг йиртигига автомобилларга БЕНЗИН қуйиш шохобчалари ЯМОҚ бўлиб турган эди. Содда қилиб айтганда, шохобчаларда бензин етарли эди.

Таассуфки, кечадан бошлаб бунга ҳам кўз тегди. Турнақ-

тор навбатлар бензин қуйиш шохобчаларига ҳам кўчди. Аммо, бундан ҳам ёмони жуда кўп АЁҚШлар бугундан бошлаб ўз пештоқларига БЕНЗИН ЙЎҚ ёрлигини осиб қўйишди. Оқibatда...

Бу ҳам майли. Зотан биз ОТДАН ТУЯ ЯСАЛИШИГА кўпдан бери кўниқиб қолганмиз. Яна ҳам аниқроғи, МАЙЛИ, дейишга ўрганиб қолганмиз. Бироқ...

Буни қарангки, жорий ойнинг бугунги кунига қадар, ҳатто, вақти соати 17.30 га қадар 1 литри 4 минг

400 сўм бўлиб турган А1-80 бензин ёнилгиси, бирданнига 4 минг 800 сўмга айланди. А1-95 эса, (бизда шундай бензин борми ўзи?) 5 минг 500 сўм сотила бошлади. Мана сизга эврика, сиз бўлсангиз одатдан туя ясаб ўтирибсиз...

Масаланинг бу ёғи-ку, майли, бир гап бўлар, лекин йўлқира нима бўлади? Яна ортадимми?

Дарвоқе, қимда ким мақолада келтирилган далилларга ишонмаса, марҳамат, Наманганга келсин. Янада аниқроғи, шаҳарнинг биринчи ноҳиясида жойлашган АЁҚШга биинир бош сўксин!

Сайдолим АБДУРАҲМОНОВ

**Биласизми?**

## Ёнғоқнинг барги ҳам шифо

Қари хўроз гўшtidан тайёрланган шўрва ичилса, бўғим оғриқларидан тезда халос бўлинади. Ёнғоқнинг барги ёки пўстлоғини эзиб, оғриган жойга суртилса, оғриқни қолдиради.

Туйилган қалампирмунчоқ сут билан аралштириб фойдаланилса, бўғим оғриқларида фойдаси тегади.

Шотут баргини сувда қайнатиб ичсангиз, бел оғриғидан қутуласиз. Кунига 7-8 граммдан ялпиз баргини янчиб сув билан

ичилса, бел оғриғидан асар ҳам қолмайди.

**Гриппнинг давоси**

Бунинг учун ярим литр хом сутни аста-секин иситиб, товуқ тухуми билан аралаштирасиз ва унга бир чой қошиғида асал ва шунча сариёғ соласиз. Ҳаммасини яхшилаб аралаштириб, ётиш олдида ичасиз. Саҳарга бориб гриппдан асар ҳам қолмайди.

Зигирни куйдириб, тутунига бурин тутулса, тумовни даф қилади. Седанани куйдириб, тутуни бурунга киритилса ҳам, тумовда фойда беради.

Оқ пиёзнинг суви бурунга оқирилса, ёки ҳидлаш ҳам тумовга даво бўлади.

Оғизга қалампирмунчоқ ва қоқула солиб шимиш тумовдан халос бўлишда ёрдам беради.

Қаҳвани қайнатиб бугини ҳидлаш ҳам тумовнинг лаволаридан биридири.

Маъсуда ЁҚУБОВА тайёрлади.



Қишлоқ хўжалигига ихтисослашган коллеж ва техникумларда янги йўналиш очилади.



# 8 - Декабрь

Ўзбекистон Республикасининг  
Конституцияси куни билан!



Ҳарбий хизматчилар ўртасида ўз касбининг устаси унвони учун кўрик-танлов ўтказилади.



Тўй-тантаналар, нурунийлар ҳаёти, оилавий муносабатлар ҳамма-ҳаммасида — маҳалла тизими ходимлари зиммасига катта масъулият юклатилгани сир эмас. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, ободончилик юмушларига бошчилик қилиш борасида маҳаллий ҳокимликлар ва бошқа тегишли идораларга кўмак беради, улар билан ҳамкорлик қилади.

Самарқанд вилояти Нуробод тумани маҳаллалари ҳам бундай ишларда фаол. Туман ҳокимининг ўринбосари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Тўлқин Хушмуродов билан учрашиб, маҳаллаларда ижтимоий маънавий муҳитни барқарорлаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар хусусида суҳбатлашдик.

— Туманда 37 та фуқаролар йиғини мавжуд, уларда 15 минг 400 нафар аҳоли истиқомат қилади, — деди Тўлқин Хушмуродов. — Маҳаллалардаги ўрганишлар натижаси 1893 та камбағал оила борлигини кўрсатди. Бу оилаларда ижтимоий ҳолатни яхшилаш мақсадида бир қатор хайрли ишларга қўл урилди. Бундай ишларда нафақат тизим ходимлари, балки тумандаги барча фаоллар иштироки таъминланади. Натижа ҳам тезда ижобий жиҳатини кўрсатди. Бирин-кетин ўнлаб, юзлаб оилалар камбағаллик рўйхатидан чиқа бошлади. Бунда фуқароларимизнинг тadbиркорликка жалб этилиши муҳим омил бўлди. Бугун маҳаллалардаги кўпгина хонадонларда бўлиб, улар иссиқхона хўжалиги, паррандачилик ва бошқа юмушлар билан шугулланаётганини кўриб, ҳалқимизнинг қай даражада меҳнаткашлигига яна бир бор гувоҳ бўламиз.

Мамлакатимизда пандемия шароитида ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш муҳим вазифаларимиздан бирига айланди. Карантин даврининг анча кескинлашган кунлари ва Қурбон ҳайити байрами муносабати билан секторлар томонидан 328 та эҳтиёжманд оилаларнинг ҳар бирига 1 миллион сўмдан 328 миллион сўм моддий ёрдам пуллари тарқатилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлаш мақсадида эҳтиёжманд оилаларнинг ҳар бир аъзосига 220 минг сўмдан нақд пул шаклида бир марталик моддий ёрдам берилди.

Туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан карантин даврида 200 нафар ногиронлиги бўлган ва ижтимоий кўмакка муҳтож фуқароларимиз ҳолидан хабар олинди. Уларга 200 килограммдан ортиқ гўшт, 600 килограммдан ортиқ картошка, 800 килограмм ун, 400 кг ёғ, 3000 дона тухум ҳамда бошқа зарур озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. Бундан ташқари,

1-сектор ҳудудида жойлашган 9 та маҳалла фуқаролар йиғинидаги 227 нафар камбағал, эҳтиёжманд оилаларга ҳамда ногиронлиги бўлганларга ҳомийлар томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари берилган.

Туманда хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий томондан қўллаб-қувватлашга қаратилган манзилли чора-тадбирлар дастурига асосан, тумандаги 45 нафар эҳтиёжманд, ногиронлиги бор ва боқувчисини йўқотган хотин-қизларга газ плита ва газ баллонлари ҳамда 2 нафарига кир ювиш машинаси, 25 нафарига тикув машиналари ҳаля этилди.

Ҳоким ўринбосари, бўлим бошлиғи таклифига асосан бир неча маҳаллаларда ҳам бўлди. Дастлаб туман марказидаги маҳаллалардан бири “Наврўз” маҳалласи фаолияти, айниқса, ободонлаштириш борасидаги ишлар, одамлар ўртасидаги аҳиллик, саховатпешалик маҳалла номига муносиб эканига амин бўлди.

— Худудимизда 35 та кўп қаватли, 113 та якка тартибда қурилган уй-жой мавжуд, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бахтигул Расулова. — Хайрия, саховат ишларида маҳалла тadbиркорлари доимо бошқаларга ўрнак бўлишади. Айни пайтда тadbиркорлик билан шугулланаётганлар 21 нафарни ташкил этмоқда. Яна 8 киши оилавий тadbиркорликни йўлга қўйган. Тadbиркорлар билан хаминша ҳамкорлик қиламиз.

Бундай тadbиркорлардан Норқул Ҳамидов, Зулфия Амиркулова, Синдор Ҳайдаров, Илҳом Ҳашев, Суннат Шомуродовлар ҳаминша хайрия ишларида фаоллик кўрсатишади. Маҳалла раиси Бахтигул Расулова маҳалла ҳудудида саховатли тadbиркорларнинг кўпайиб бораётгани, уларнинг ҳудуд ободончилигига муносиб ҳисса қўшишаётганини алоҳида таъкидлади.

Туман марказидан унчалик узоқ бўлмаган “Улус” маҳалласида бажарилаётган ибратли ишлар кўпчилигининг эътиборини тортган. Маҳалла идораси шу ном билан аталадиган қадимий қишлоқда жойлашган. Ўтган асрнинг етмишинчи, саксонинчи йилларида, ҳали кўпгина қишлоқларга техника юрадиган йўллар қурил-

## Фаровонлик маҳалладан бошланади

маган пайтларда ҳам “Улус”-га Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарларидан автобус қатнардди. Бу ўша пайтлардаёқ қишлоққа шаҳар ҳавоси кириб келган, одамлар қалбида тadbиркорликка бўлган ҳавас уйғонган, улар маънавият ва маърифат борасида ён-атрофдаги қишлоқлардан анча илдамлаб кетган деганидир.

— Ёши улуг инсонлар яхши эшлади, — дейди “Улус” МФЙ раиси Ўктам Улугов. — Улус қишлоғи азалдан обод маскан бўлган. Бугунги туманнинг катта ҳудуди — Жом, Чўнқаймиш, Иброҳим ота,

Анжирли, Сариқул, Ҳазармали, Олга, Ўртабўз, Галлакор ва яна бир неча катта-кичик қишлоқлар аҳолиси Улусни ўзлари учун марказ деб билган. Сабаби, ўша пайтлар бу қишлоқлар бир совхозга, бир қишлоқ советига бирилашган. Худуд савдо соҳаси ҳам шу ердан бошқариларди. Аниқроғи, совхоз, қишлоқ совети, савдо ташкилоти идоралари Улус қишлоғида жойлашган.

Ҳатто, Нуробод тумани ташкил этилган 1975 йилдан кейин ҳам бир неча йиллар Улус марказлигини сақлаб қолди. Бугун эса бу қишлоқларнинг

саттанди. Улардан бири, фуқаро Ақром Ҳуролов хонадони учун маҳалла томонидан ҳашар йўли билан тўрт хоналик уй қуриб берилди. Аслида бундай хайрли ишга маҳалла оқсоқоли бошчилигида ўтган йилдаёқ киришилган. Оқсоқол ташаббуси билан кам таъминланган оилаларга кўмак бериш жараёнида фуқаро Эшбой Бобшерофнинг турмуш шароитини яхшилаш учун уни уй-жой билан таъминлаш лозим деб топилган. Бугун Эшбой Бобшероф оиласи маҳалла томонидан барпо этилган уч хонали уйда яшамокда.

Яна бир эътиборли жиҳат, камбағалликда ҳаёт кечириётганларнинг ҳаммаси ҳам маҳалла ёрдамига кўз тикиб қолаётган эмас. Уларнинг айримлари ўз ҳаракатлари ўз тарзини яратишга интиломда. Бугунги кунда маҳалладаги камбағал оилалар сони 57 тадан 39 тага тушган.

— Фуқароларимиз томорқадан фойдаланиш, тadbиркорликни ривожлантириш, ободончилик ишларида доимий эътибор қаратишади, — дейди “Халқобод” МФЙ раиси Мансур Абриев. — Маҳаллаимизга тегишли ҳудуд Улус қишлоғининг бир қисми ва Тортўвли қишлоғи ҳисобланади. Худудимизда якка тартибда қурилган 756 та уй-жой бор. Аҳоли сони 4 минг нафарга яқин. Уларнинг барчаси бир-бири билан аҳил-иноқ. Тўй-маъракаларни тартибли ўтказишда бирдек жон куйдиришади.

Туман марказига нисбатан қадимий Самарқандга яқинроқ манзил — “Сазагон” Нурободнинг сўлим қишлоқларидан бири. Унинг узоқ ўтмиши тарихчиларни, археологларни ҳаминша қизиқтириб, илмий тadbиркорлар, археологик қазинмалар ўтказишга ундаган. Манбаларда келтирилишича, Сазагон қишлоғи атрофидаги дара сойлар ёнларидаги аҳоли бундан V-IV минг йиллар аввал уруғ-жамоа бўлган

ҳолда кулбалар қуриб, ўтроқ яшашган, зироатчилик, уй чорвачилиги, қулоччилик, тўқимачилик хўжаликларини кашф қилиб, маҳсулот ишлаб чиқариш маданиятини ўзлаштиришган.

“Сазагон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳавоя Раҳмонова қишлоқнинг кечаси ва бугун ҳақида гапирар экан, айнан тарихчиларнинг Сазагон ҳақидаги фикрларини келтирди. Таниқли олим, тарих фанлари доктори Мавлон Журакуловнинг 1980 йилларда матбуотда эълон қилинган “Сазагон сойларининг сирлари” номли туркум мақолаларида қишлоқ тарихи ёрқин акс этирилганини таъкидлади.

Опанинг таклифини қабул қилиб, у киши ва ўринбосари ҳамроҳлигида бир неча хонадонда бўлди. Эътиборлиси, фуқароларнинг томорқалардан ўринли фойдаланиётгани эди. Худуддаги савдо, маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларидаги ишлар ҳам кўнгилдагидек. Ҳавоя опа билан мактаб ва боғчалар фаолияти ҳақида суҳбатлашаётган пайтими эътибордан бир неча автобус ўтиб қолди. Улар диққатимни тортганини сезди чоғи, Ҳавоя опа изоҳ берди:

— Мақтанишга йўймангу, маҳаллаимизда анчадан бўён ишсизлик ҳақида гап йўқ. Шаҳарнинг яқинлиги, атрофимизда қишлоқ хўжалиги билан шугулланадиган фермерларнинг кўплиги бу соҳадаги муаммоларга барҳам беради. Масалан, одамларимизнинг бир қисми Самарқанд шаҳридаги саноат корхоналарида ишлашади. Уларни ҳар кунги махсус автобуслар ишга олиб кетади, кечки пайт эса уйларига келтириб қўйишади. Қўшни туманларнинг айрим фермер хўжаликларида ишга борадиганлар учун ҳам шундай шароитлар яратилган.

Маҳалла раиси саховатпеша тadbиркорлар ҳақида илиқ сўзларни айтди. Айни пайтда Америкада фаолият юритаётган тadbиркор Тоштурди опа Бобоева маҳаллалашларини унутмайдиغانлардан экан. Кам таъминланган оилаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасида кўмак беришни у киши ўзи учун одатга айлантириб олибди. Фермер Норқулбил Назаров, тadbиркорлар Қурбон Аҳмедов ва Анвар Қўшмуродовлар ҳам саховат бобида бошқалардан қолишмас экан.

Нуробод маҳаллаларида бугунги давр руҳида иш юртилипти. Уларнинг барчасида фуқаролар фаровонлигига устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Бу йўлда маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ҳамда унинг жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органлари бундан бўён ҳам бор имкониятлардан ўринли фойдаланиш мақсадида гайрат кўрсатишига шубҳа йўқ.

Абдурашул САТТОРОВ



аксари мустақил маҳаллаларга айланган. Қарангки, аввал “Улус” таркибида бўлган биргина Жом қишлоғининг ўзида ҳозир тўрт маҳалла фаолият кўрсатмоқда. Худудий чегараланишдаги бундай ўзгаришлар ҳар бир аҳоли пунктида янги ўзгаришлар, янги турмуш сари йўл очди.

Йил бошида ўтказилган ўрганиш натижалари маҳалла ҳудудида 57 та камбағал оила истиқомат қилаётганини кўр-



2021 йил 1 мартдан рақамли маркировка қилинмаган алкоголь ва тамаки маҳсулотларини Ўзбекистон ҳудудига олиб кириш тақиқланади.

# Ишсизликка барҳам берилмоқда

**Юртимизда аҳолини иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Оиладаги келишмовчилик, чет элга расмий, норасмий чиқиб кетишлар, қонунбузарликлар ва жиноятларнинг моҳияти-да ишсизлик ётади.**

Шу хусусда Оҳангарон туманида қандай иш олиб борилаётганини билишга қизиқдик.

Бизни кутиб олган бош мутахассис Маъруф Тошбоев, аини пайтида келганимизни, худди шу масала ва бошқалар юзасидан бугун уч жойда талбир ўтаётганини маълум қилди. Сўнг тўғридан-тўғри танишишга таклиф этди.

Авалло, “Телов” МФЙ худудидagi аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан ташкил этилган “Ишга жойлаштириш куни” талбирига гувоҳ бўлдик.

— Меҳнат ярмаркасида 45 та ташкилот 335 та бўш иш ўрни билан қатнашмоқда, — дейди Оҳангарон туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори в.в.б. Эркин Иноғомов. — Бу туманимиздаги 7 та маҳалланинг ёш йигит-қизларини иш билан таъминлаш имкониятини яратди.

Ярмаркада иштирок этаётган Ирода Мамирваннинг айтишича, у икки ойдан буён ишсиз эди. Энди эса ўзига ёққан ишлардан бирини танлаш имкони бор эканидан мамнун. Маоши ҳам мени қо-

ди Зуҳра Рўзиева.

Улар билан хайрлашар эканмиз, бизни қувонтиргани ишга жойлашганларнинг аксари ёшлар эди.

Иккинчи кўноғимиз Давлат хизматлари маркази бўлди.

Оҳангарон туман прокурори Иқболжон Қамбаров таклифи ва ташаббуси билан ёш оилалар билан “Никоҳдан ажралишларнинг олдини олиш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оилани мустаҳкамлаш” бўйича давра суҳбати ташкил этилиб, унда психолог, имом-хатиб, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш туман бўлими ходимлари, Ёшлар иттифоқи кенгаши фаоллари иштирок этди.

Талбир давомида, ички низолардан азият чекаётган оилалар яраштирилиб, янги турмуш кураётганларга маслаҳат ва тушунтиришлар берилди.

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарори ҳамда 2019 йил 19 март куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида “Ёшлар билан ишлаш-ни самарали ташкил этишда маданият, санъат, спорт, ахборот-технологиялари, китоб ўқишга қизиқишини ошириш бўйича 5 та муҳим ташаббусни амалга ошириш тўғрисида”ги мажлис баёниги ижросини таъминлаш мақсадида Оҳангарон туман умумтаълим мактаблари ўртасида спортнинг футбол туридан “Прокурор кубоги” мусобақалари ўтказилмоқда.

Навбатдаги талбир шу ишларнинг давоми бўлиб, тумандаги 51 та умумтаълим мактаб жамоалари 9 та худудга бўлиниб, худудий босқич голиблиги учун беллашган экан.

Мусобақа якунига кўра, голиблар туман прокурори томонидан диплом, медал ва қимматбахо совғалар билан тақдирланди. 1 ўринни эгаллаган 12 мактаб футбол жамоаси туман прокурорининг кўчма кубоги соҳибига айланди.

Оҳангарон туманидан қайтар эканмиз, бу ерда амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлигидан мамнун бўлдик.

Даврон АХМАД



Муаллиф олган суратлар.

ниқтиради дейди, у.

— Мен тасвирий санъат фанидан ўқитувчилик қиламан. Бу ерга келиб, 35 мактабдан қўшимча иш топдим, — дей-

Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент вилояти Кенгаши томонидан “Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдевори” мавзусида конференция бўлиб ўтди.

## Мустаҳкам пойдевор

— Жамиятда ижтимоий адолат тамойилини қарор топтириш борасидаги асосий вазифамиз бу адолатли қонунлар қабул қилиш, жинси, миллати, тили ва диний эътиқодидан қатъий назар, қонун олдида барча фуқароларнинг тенглигини таъминлашдир, — дейди “Адолат” СДП Сийсий Кенгаши раиси Баҳром Абдуҳалимов. — Партиямиз қонун устуворлиги ва барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш, жамиятда, айниқса, ёшлар орасида ҳуқуқий маданиятни шакллантиришни устувор вазифа деб билади.

— Конституциямиз асосида мамлакатимизда миллий қонунчилик тизими, давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари шаклланди, — дейди Олий Мажлис Сенати Мудоффа

ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раиси Кутбиддин Бурҳонов. — Бугунги кунда барча жаҳдаларда кенг қўлланилган ислохотлар амалга оширилмоқда. Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий салоҳиятимиз юксалиб, фуқароларимизнинг дунёқараши тобора ўсиб бормоқда. Буларнинг барчаси, энг аввало, Бош Қомусимизнинг куч-қудрати натижасидир.

Талбирда Конституциямизнинг 28 йиллиги муносабати билан ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол меҳнат қилиб, намуна кўрсатаётган бир қатор партияс фаоллари ва ходимлари ташаккурнома ва кўкрак нишони билан тақдирланди.

Муроджон РАҲМАТОВ,  
“Жамият” маҳорат мактаби  
тингловчиси

## Умидвор кўнгилларга малҳам

**Маълумки, қон донори ўз қони ва унинг таркибий қисмларини тиббий эҳтиёжлар учун тақдим этадиган жисмоний шахсдир. Қон донорлигининг асосий тамойили ўз хоҳиши билан беғараз қон бериш ҳисобланади. Бу жараёнларда 18 дан 60 ёшгача бўлган ҳар қандай соғлом инсонлар қатнашиши мумкин.**

Шуни инобатга олиб, “Адолат” социал-демократик партияси Тошкент вилояти Кенгаши томонидан Конституциямиз қабул қилинганнинг 28 йиллиги муносабати билан “Бор меҳримиз сенга, болажон!” шiori остида беғараз донорлик акцияси Чирчиқ шаҳридаги Тошкент вилояти қон қуйиш станциясида ўтказилмоқда. Хайрия акцияси юзлаб партияс фаоллари, депутатлар ва кўнгилчиларни бир мақсад йўлида бирлаштирмоқда. Бу шior қўллаб инсонларни беминнат донорликка чорлайди. Аньанага айланган мазкур хайрия



акцияси тиббий-ижтимоий кўмакка муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш, фуқароларни кўнгилли равишда қон топишишга чақириб орқали қон болаларнинг ҳаётини сақлаб қолиш, жамиятда инсонпарварлик ва меҳр-оқибат ғояларини тарғиб қилишга қаратилгани билан катта аҳамиятга эга.

— Албатта, қон касалликларини ўз вақтида аниқлаш, уларга замонавий кимёвий терапияларнинг ўтказилиши натижасида беморларда қўллаб қон ва қон маҳсулотларига зарурият сезилди, — дейди вилоят қон қуйиш станцияси шифокори Гульмира Разақова. — Партия ташаббуси билан ўтказилаётган бундай хайрият талбирнинг анъанавий тарзда давом этиши бизни беҳад қувонтиради. Айниқса, беморга қон қуйиш ҳаёт-мамот масаласига айланган ҳолатларда бу бебаҳо малҳам шифохонада зарур миқдорда мавжуд бўлишининг аҳамиятини биз, шифокорлар янада чуқурроқ ҳис этамиз. Чунки қон дорихоналардан сотиб олинган дори-дармонлар сирасига кирмайдиган. Бу — фақат савобталаб инсонларнинг ҳиммати, меҳр-шафқати туфайли амалга ошиши мумкин.

Фотима САТТАРОВА,  
“Адолат” СДП Тошкент  
вилояти Кенгаши  
матбуот оқиби

Қашқадарё вилояти Нишон туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1993 йил 15 июндаги 7-сонли қарорга асосан Жавлиев Бахтиёр Хасановичга 11-синфни битирганлиги ҳақида берилган АУ № 069059 рақамли шаҳодатнома йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

**ЭЪЛОН**  
Тошкент шаҳар Одмазор туманидаги 196-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1998 йилда Урунбаева Дилфуза Юлдашевна номига берилган О'Р-Д № 166060 (қайд қилиш рақами 62) рақамли шаҳодатнома йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

**ЭЪЛОН**  
“Hyundai Sonata” русумли 1998 йилда ишлаб чиқарилган Султонова Малика Саидалимовнага тегишли дивегатил рақами № 446307, кузов рақами № КМНСФ31 FPWA100506, шассе № рақамсиз, серий, давлат рақами 01 J 106 DA автомашинага Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ ТРИБ томонидан 22.02.2011 йилда берилган ААС № 2855416 рақамли транспорт воситасининг қайд этиш гувоҳномаси (техпаспорт) йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

**ЖАМИЯТ**  
Муассислар:  
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.  
Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.  
Ўзбекистон Мустақил босма оммавий

ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди.  
Ўзбекистон Савдо-сановат палатаси.  
Талбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.  
Ўзбекистон экологик ҳаракати.  
Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси.

**Бosh муҳаррир**  
Мақсуд ЖОНИХОHOV  
**Тахрир ҳайъати:**  
Рустам Комиллов  
Борий Алихонов  
Акмал Саидов  
Раҳмат Маматов  
Нуриддин Убайдуллаев  
(Бosh муҳаррир уринбосари)  
Актам Хайитов  
Аҳдам Икромов

Газета тахририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.  
“Шарк” нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.  
Манзил: Буюк Тўрон кўчаси 41.  
Буюртма рақами Г-1214 Адади: 1052.  
Жума кун чикади.  
Қого бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.  
Баҳоси қилинган нарҳда.  
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигинда 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.  
ISSN 20 10-7722

**Навбатчи:** Маъсуда Ёшубова  
**Дизайнер:** Бегали Эшонқуллов  
100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32.  
Маълумот учун телефонлар: (71) 233-72-77, 233-91-55  
Реклама ва эълонлар учун:  
Электрон почта: jamiyat@uzmail.uz  
Газета индекси — 131  
“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.  
ЎЗА вестни:  
Тошқирилган вақти: 18:25  
1 2 3 4 5 6



Тошкентда 70 мингдан ортиқ янги туғилган чақалоқлар эшитиш қобилияти скринингидан ўтказилади.

# «ЎЗМЕТКОМБИНАТ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ



*юртдошларимизни ва соҳа  
ходимларини Бош Қомусимизнинг  
28 ёши билан муборакбод этади.*

*Жамиятимизда Конституциямизнинг  
ўрни янада мустаҳкам бўлиб, халқимиз  
фаровонлигига улкан ҳисса қўшаверсин!*

**“Ўзметкомбинат” АЖ молия ҳисоботи  
халқаро стандартлар асосида  
“Катта тўртлик” компаниясининг  
аудиторлик хулосасини олишга эришди.**



“Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХС) ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги қарори асосида “Ўзметкомбинат” АЖда иш юритишнинг замонавий тизимлари такомиллаштириб борилмоқда.

Яқинда “Катта тўртлик” компаниясидан, “Deloitte & Touche” халқаро аудиторлик ташкilotи томонидан “Ўзметкомбинат” АЖ молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган дастлабки консолидацияланган молиявий ҳисоботига аудиторлик хулосасини олишга эришди.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари – молиявий ҳисоботларни тузиш учун ҳужжатлар тўплами, молиявий ҳисоботларнинг тузилишини тартибга солувчи регламент бўлиб, ташқи фойдаланувчилар томонидан бирор-бир таш-


килотта нисбатан иқтисодий қарор қабул қилиш учун фойдаланилади. Яъни хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлашда ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтиришда муҳим ўрин тутди. Шунингдек, у ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Президент қарори асосида акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, сугурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар 2021

йил 1 январдан бошлаб, комбинатда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиш ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни халқаро стандартлар асосида тайёрлаш белгиланган.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш комбинатимизнинг жаҳон бозорларида ўз ўрнига эга бўлиши учун мустаҳкам замин яратди.

“Ўзметкомбинат” АЖ  
матбуот хизмати.



Ўзбекистонда онкологик хизматни ривожлантиришга қаратилган хайрия жамоат фонди ташкил этилди.